

БАНК АХБОРОТНОМАСИ

ISSN 2010-6602

БАНК ХОДИМЛАРИ ВА ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ҲАФТАЛИК НАШРИ

ГАЗЕТА 1995 ЙИЛ ЯНВАРДАН БОШЛАБ НАШР ЭТИЛМОҚДА № 8 (1239)

2020 ЙИЛ 27 ФЕВРАЛЬ

БАНКЛАРАРО ЯГОНА ИДЕНТИФИКАЦИОН ТИЗИМ ЯРАТИЛМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги анжуманлар залида Ўзбекистон банклари ассоциацияси раҳбарияти ва республика тижорат банклари вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирокида матбуот анжумани бўлиб ўтди.



Тадбир Ўзбекистон банклари ассоциациясининг 2019 йилда амалга оширган ишлари ҳамда жорий йилги режаларига бағишланди.

Унда дастлаб, Ўзбекистон банклари ассоциацияси департамент директори ўринбосари Санжар Мусоходжаев ассоциациянинг ўтган дарвда банк тизимини ислоҳ этиш, замонавий банк маҳсулотларини жорий этиш, халқаро банк ва молия институтлари билан ҳамкорлик, банк мутахассисларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш каби йўналишларда олиб борган ишлари хусусида маълумот берди.

(Давоми 2-саҳифада)

“Ипотека-банк” акциядорлик тижорат ипотека банки томонидан банкнинг Тошкент вилояти Чирчиқ филиалига пресс-тур ташкил этилди.

Банк филиалида ишчи-ходимлар ва мижозлар учун яратилган шароитлар, банкнинг ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда тутган ўрни, кўрсатилаётган хизматлар сифати ва тезкорлиги билан танишиш мақсадида ташкил этилган тадбирда оммавий ахборот воситалари ходимлари филиал фаолияти билан яқиндан танишишди.

Президентимизнинг 2018 йил 23 мартдаги “Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижроси юзасидан молия-банк тизимида мижозларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш, хизмат кўрсатиш маданияти ва аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини ошириш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

(Давоми 4-саҳифада)

МИЖОЗЛАР ИШОНЧINI ОҚЛАЁТГАН ФИЛИАЛ



ХИЗМАТЛАР

ҲУДУДЛАРДА
ҲАМ ЗАМОН
ТАЛАБЛАРИГА
МОСЛАШТИРИЛАДИ

Жорий йилнинг 21 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида тижорат банклари раҳбарлари иштирокида тизим фаолиятини трансформация қилиш, шунингдек, банк бизнесини юритишнинг замонавий моделларини жорий этиш борасида амалга оширилаётган ишларни жойларда бевосита ўрганган Ишчи гуруҳлар хулосалари муҳокама қилинди.

Марказий банк ва тижорат банкларининг мутахассисларидан таркиб топган мазкур гуруҳларнинг жойларда Банк хизматлари марказларини ташкил этиш, мижозлар, фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлашнинг ҳолати, шунингдек, мижозлар билан муносабатларни ўрнатишда зарур бўлган бизнес ёндашувларга тўсқинлик қилаётган реал сабабларни бартараф этиш бўйича берган хулосалари атрофлича таҳлил этилди.

Муҳокама жараёнида жойлардаги Банк хизматлари марказлари фаолиятини йўлга қўйишда жиддий ёндашув зарурлиги, мижозларга хизмат кўрсатаётган ходимларнинг малакасига алоҳида эътибор қаратиш, чакана хизматларни ривожлантириш, универсал кассаларда мижоз учун ҳар томонлама қулайликлар яратиш масалаларига алоҳида тўхталиб ўтилди ва тегишли кўрсатмалар берилди.

Мазкур ишларни амалий жиҳатдан тезлаштириш мақсадида тижорат банкларининг раҳбарлари бошчилигида барча туманлардаги филиаллар хизматларини охириги ўзгариш ва талаблардан хабардор қилиш, семинар-тренинглар ўтказиш ва Банк хизматлари марказларини самарали ташкил этиш юзасидан чора-тадбирларни жадаллаштиришга келишиб олинди.

Cbu.uz





Маълумки, ҳар қандай соҳанинг тараққий этишида унинг нечоғлик халқ турмуши билан боғлиқлиги, одамларнинг оғирини енгил қилиши муҳим аҳамиятга эга. Фуқароларимиз қанчалик рози бўлса, ишда унум, меҳнатда барака бўлиши турган гап. Айниқса, инсонлар кундалик ҳаётининг ажралмас қисмига айланиб улгурган молия йўналишида сифатли, тезкор ва маданият билан хизмат кўрсатиш замонавий менежментнинг энг муҳим жиҳатларидан биридир. Ўттиз йиллик фаолияти давомида халқнинг чинакам кўмакчиси мақомига эга бўлган Туронбанк мана шундай ишонч ёрлигини олган молия муассасасидир. Ушбу муваффақиятли босиб ўтилган йўлнинг энг асосий қалити эса юқори билим ва тажрибага эга банкирлар ҳисобланишади. Тўғрироғи, уларнинг ўз устларида доимий ишлашлари, малакаларини оширишларию, жаҳон молия бозорининг янги чақириқларига шайликлари бу борада муҳим жиҳатдир.

ва уларнинг даромадлари, ходимларни рағбатлантириш бўйича олиб борилаётган ишлар кенг муҳокама этилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси товар-хотамашё биржасидан таклиф этилган соҳа мутахассислари Туронбанк тизимида харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги низом талаблари бўйича филиалларда амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар ҳақида ходимларга тўлиқ ахборот беришди. Барча учун энг қизиқарли ва фойдали бўлган тақдирот бу тажрибали амалиётчи, психолог Барно Илҳомова иштирокчида ўтган психологик машғулот бўлди. Унда "Банкирнинг касб одоб-ахлоқ кодекси" талаби, этикаси, профессионал бурчга бўлган масъулияти, лавозим мажбуриятларига риоя этиши ҳамда миждозларга юқори даражада банк хизматини кўрсатиш бўйича тегишли тушунчалар берилди.

ЗАМОНАВИЙ МЕНЕЖМЕНТ МАДАНИЯТЛИ ХОДИМЛАР ЭТИКАСИДАН БОШЛАНАДИ

Бунинг учун эса, банк Бошқаруви томонидан барча шароитлар яратилган. Хусусан, ҳар ойда мамлакат бўйича барча ходимларнинг маълум бир мавзу юзасидан учрашишлари, очиқ мулоқотларнинг мунтазамлиги, тизимда мавжуд муаммоларни эрта аниқлаб, уларни бартараф этиш имконини бермоқда. 2020 йилнинг 15-16 февраль кунлари ҳам Туронбанкни стратегик ривожлантириш ва маркетинг департаменти, Марказий амалиёт ва Ишлар бошқармаси, Банк хизматлари офислар, минибанклар ва филиалларнинг бухгалтерия хисоби бўлимидаги Давлат харидлари бўйича масъул ходимларидан иборат 120 кишилик таркиб Шаҳрисабз шаҳрида жам бўлишди. Муҳокама-лар марказига ташланган асосий мавзу эса "Кўрсатилган банк хизматлари сифати ҳамда ходимлар малакаси ва саводхонлигини ошириш" ҳақидадир. Муҳтарам Президентимиз ҳам яқиндагина Олий мажлисга йўллаган ўз мурожаатномаларида айна шу жиҳатга алоҳида тўхталиб, банк соҳасидаги ислохотларнинг асосий мақсади – миждоз учун ишлашдир дея бежизга



таъкидлаганлари йўқ. Бу ерда ўтган семинар-тренинг қизгин баҳс-мунозараларга бой бўлди. Унда сўзга чиққанлар Туронбанк тизимида ижро интизоми ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг муружаатлари билан ишлаш тизимини жадаллаштириш, банк ходимларининг касб одоб-ахлоқи талабларига риоя қилишини таъминлаш каби қатор йўналишларда ййилганларга батафсил маълумот беришди. Қолаверса, тақдиротларда банкни "2020-2022 йилларда ривожлантириш стратегияси", чакана кредит турлари ва уларни ажратиш тартиби, банк хизматлари офислари иш фаолиятини ташкил этиш масалалари

Семинарнинг иккинчи кунинда эса, бутун республикадан ташриф бурурган Туронбанк ходимлари Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз шаҳрида жойлашган диққатга сазовор ва тарихий қадамжоларни кўздан кечиришди. Хусусан, дастлабки объект "Оқсарой" меъморий ёдгорлиги бўлди. Шунингдек, иштирокчилар Яккабоғ туманидаги "Хўжа Илғор" қабристонидидаги Хўжа Муҳаммад ибн ал-Қосим мақбарасини ҳам зиёрат қилишди. Бир сўз билан айтганда, бу сафарги семинар-тренинг ҳар жиҳатдан самарали бўлди. Банк ходимлари ҳам ўз малакаларини оширишди ва ҳудуднинг ички туризми ривожига ўз ҳиссаларини қўшишди.

Банк Ахборот хизмати

БАНКЛАРАРО ЯГОНА ИДЕНТИФИКАЦИОН ТИЗИМ ЯРАТИЛМОҚДА

(Бошланиши 1-саҳифада)

Таъкидландики, Ўзбекистон банклари ассоциацияси томонидан ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган "BankExpo" кўргазмасининг йил сайин нуфузи ортиб бормоқда. Хусусан, "BankExpo – 2019" халқаро кўргазмасига бир қатор халқаро молия ташкилотларининг иштирок этгани шундан дарак бермоқда. Жорий йил ҳам мазкур кўргазманинг юқори даражада ўтиши учун катта тайёргарлик кўрилмоқда.

Қолаверса, ассоциация ҳудудларда фаолият юритаётган тадбиркорларнинг фаолиятларини қўллаб-қувватлаш ва уларнинг муаммоларини жойида ҳал этиш мақсадида турли очиқ мулоқот ва сайёр қабуллар уюштириб, қўллаб-қувватловларнинг мушкулларини осон қилиб келмоқда. Шу билан бирга, ассоциацияси тадбиркорлар учун муҳим бўлган методик қўлланма ишлаб чиқди ва уни амалиётга татбиқ этди. Ўз навбатида, бу эндигина иш бошлаган тадбиркорларнинг соҳага доир билимларини янада мустаҳкамлашига хизмат қилаётир.



Тадбир давомида Ўзбекистон банклари ассоциацияси департамент директори Темура Эгамбердиев банк соҳасида ахборот-коммуникацияларини ривожлантириш йўналишида амалга оширилган ишлар тўғрисида маълумотлар берди. У ассоциацияси томонидан банклараро ягона идентификацион тизим яратиш бўйича иш олиб борилаётганини таъкидлаб, бу тизим банклар учун ҳам, миждозлар учун ҳам ҳар томонлама қулай бўлишини таъкидлади. Шунингдек, ассоциация "MARKETPLACE" тизимини жорий этиш бўйича лойиҳалар тайёрлаётганини ҳам кўшимча қилди.

Маълумки, Ўзбекистон банклари ассоциацияси банк ходимларининг билим ва малакасини ошириш бўйича қўллаб-қувватлов ишлар қилиб келмоқда. Хусусан, 2019 йил давомида ассоциация кўмагида тижорат банкларининг 1783 нафар ходимлари ўз малакасини оширганлар. Шу билан бирга, ассоциация томонидан банк ходимларининг АКТ соҳаси бўйича билимларини янада мустаҳкамлаши учун Жанубий Корея Республикасида малака ошириш курслари ташкил этилган.

Жорий йилда эса, ассоциация бу борадаги ишларни янада жонлантирган ҳолда масофавий ўқув-курсларини ташкил этишни ҳам мақсад қилган. Энг асосийси, бу ўқувларга вилоятларда фаолият юритаётган қўллаб-қувватлов банклар жалб қилиниши режалаштирилган.

Тадбир сўнгиде журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларига жавоблар олдилар.

Ўз мухбиримиз

АКЦИЯДОРЛАР УМУМИЙ ЙИГИЛИШИ БЎЛИБ ЎТДИ



Жорий йилнинг 24 февраль куни "Трастбанк" хусусий акциядорлик банки акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишни "Трастбанк" хусусий акциядорлик банки Кенгаши Раиси Тоҳир Шарипов бошқарди. Йиғилиш давомида кун тартибда акциядорларнинг энг кўп миқдорини белгилаш, банкнинг янги тахрирдаги уставини тасдиқлаш, "Трастбанк" хусусий акциядорлик банки акция-

циядорлик банки тафтиш комиссияси (тафтишчиси) тўғрисидаги низомни янги тахрирда тасдиқлаш, давлат қимматли қоғозлари (газначилик мажбуриятлари, давлат қимматли қоғозлари (облигациялар), Марказий банк облигациялари) билан йирик битимлар тузиш тўғрисидаги масалалар кўриб чиқилди.



дорлари умумий йиғилиши тўғрисидаги низомни янги тахрирда тасдиқлаш, "Трастбанк" хусусий акциядорлик банки кенгаши тўғрисидаги низомни янги тахрирда тасдиқлаш, "Трастбанк" хусусий ак-

Муҳокамалар жараёнида акциядорлар томонидан умумий йиғилиш кун тартибига киритилган барча масалалар кўриб чиқилди ва конструктив муҳокама этилган, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Сабоҳат ХАЙТКАРИЕВА



"OPEN BANKING" – ЯНГИ АВЛОД БАНКИ

Айни кунларда Ўзбекистон Республикаси "Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки" Россиянинг "Газпромбанк" билан ҳамкорликда банк-молия соҳаси ходимларининг малакасини ошириш мақсадида семинар-тренинг ўтказишмоқда.



Хусусан, бу машғулотларга асосан, банкда фаолият юритаётган ёш кадрлар тақлиф қилинган бўлиб, улар соҳада омилкорликни ошириш, шахсий иқтидорни юзага чиқариш, ишга рағбатни юксалтириш, замонавий ишчанлик руҳини яратиш, мижоз ва ҳамкасблар билан муносабат ўрнатишда самарали усул ва бошқа касб сирлари билан ўртоқлашмоқдалар. Албатта, машғулот эркин дебат ва интерфаол усулда бўлиб ўтмоқда.

Яқинда бўлиб ўтган навбатдаги семинар-тренингта ОАВ ходимлари ҳам тақлиф этилган бўлиб, улар бу очик машғулотда фаол қатнашдилар ҳамда ўзлари қизиққан саволларга жавоб олдилар. Шунингдек, API Банк платформасини ривожлантириш бўйича директор Олег Чанчиков "очик-банкнинг" тузилмаси ва истиқболдаги ҳамкорлик режалари тўғрисида журналистларга сўзлаб берди.

Семинар давомида иштирокчилар эътиборига, мутахассислар томонидан "Истиқболли молиявий технологиялар" мавзусидаги тақдирот ҳавола этилди.

Мазкур семинардан кўзланган асосий мақсад, банкларнинг ташқи молия-техник ечимлар билан ўзаро фаолияти, шунингдек, "Open banking" – янги авлод банкнинг ишлаш механизми ва концепцияси билан танишишдан иборат бўлди.

Маърузачилар таъкидлаб ўтганидек, APIBANK – корхоналарга ўз банк сервисини банк лицензиясиз ташкил этиш имконини берувчи платформа ҳисобланади. Молиявий маҳсулотлар ва хизматлар Open API технологияси ёрдамида корхона сервисига жойлаштирилади. APIBANK маҳсулот ва хизматлари – бу виртуал банклар, биллинг тизими ва тўловларни автоматлаштириш хизматларини яратишдир. APIBANK платформаси банкларга, мавжуд хатарлар ва ортиқча харажатларсиз кўплаб истиқболли пойиҳалар билан ишлаши мижозлардан даромад олиш имкони беради.

Хуллас, мастер-класс тарзида ўтказилган семинар тингловчиларда катта қизиқиш уйғотди. Бу машғулотлар давомида журналистлар ҳам ўзларининг қизиқтирган саволларга жавоб оlishди.

Ўз мухбиримиз

"БАНКЛАРАРО ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ЛИГА" ЎЙИНЛАРИГА СТАРТ БЕРИЛДИ

2020 йил 22 февраль куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ташаббуси билан биринчи марта "Банклараро интеллектуал лига" ўйинларининг дастлабки тури ўтказилди. Унда 19 та тижорат банкидан 150 нафардан ортиқ банк мутахассислари иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев томонидан 2020 йил – Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили деб эълон қилиниши муносабати билан Марказий банк томонидан ёш банкирлар учун "Банклараро интеллектуал лига" лойиҳаси ташкиллаштирилди. Лойиҳа ёшларнинг етакчилиги, мантиқий ва танқидий фикрлаш,

жамоа билан ишлаш каби қобилиятларини ривожлантиришга хизмат қилади.

Лиганинг дастлабки турида саволлар банк иши ва молия соҳаси, қонунчиликка оид профессионал билимлар ва бадий йўналишларга бағишланди.

Илк мусобақа натижаларига кўра, биринчи ўринни "Ипак Йули" банки, иккинчи ўринни Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳамда учинчи ўринни "Алоқабанк" жамоалари эгаллашди. Абдулла Қодирийнинг "Ўткан кунлар" романи бўйича "Бадий адабиёт билимдони" махсус номинацияси ғолиблигини Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки вакили Саодат Рўзиева қўлга киритди.

Cbu.uz



МАҚСАД – ҲАР БИР ОИЛАНИ ТАДБИРКОР ҚИЛИШ

Маълумки, сўнги йилларда мамлакатимизда аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш, оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва кўшимча даромад манбаига эга бўлишига кўмаклашиш, айниқса, муҳтож оилаларнинг ҳунармандчилик, касаначилик, томорқалардан унумли фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш билан боғлиқ лойиҳаларини имтиёзли шартларда молиялаштириш долзарб масалалардан биридир.



Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 мартдаги "Ҳудудларда аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорининг қабул қилиниши республика ҳудудларида аҳолининг даромад топишига қаратилган муайян меҳнат фаолияти билан шуғулланишида, оилавий тадбиркорлик ривожланишига ҳар томонлама кўмаклашиш ва мазкур йўналишдаги ишларни тизимли ташкил этишда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Мазкур қарорда белгиланган вазифалар ижросини сифатли ва самарали тарзда таъминлаш мақсадида "Микрокредитбанк" АТБ ва Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ўртасида тузилган битимга мувофиқ, даромад топишга қаратилган муайян меҳнат фаолияти билан шуғулланиш ва фаолият турини кенгайтириш истагини билдирган аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг лойиҳаларини амалга оширилиши учун узоқ муддатли ва имтиёзли фоиз ставкаларда кредитлар ажратиш келинмоқда.

Хусусан, "Ҳар бир оила – тадбиркор" дастури доирасида республика бўйича 2019 йил мобайнида жами 32 553 та лойиҳага 649,7 млрд. сўм миқдорда имтиёзли кредит маблағлари ажратилган бўлса, шу йилнинг ўзиде оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида 876 млрд. сўмдан ортиқ маблағлар

имтиёзли фоизларда ажратилади. Натижада юртимизда 8300 та янги иш ўринлари яратилишига эришилади.

Фаргона вилоятидаги аҳоли учун бежирим мебель жиҳозлари ишлаб чиқариш билан шуғулланган "Гавҳар Мебель" корхонаси фаолиятини кенгайтириш учун кўшимча маблағга эҳтиёж сезаётган эди.

– Яқинда "Микрокредитбанк"дан 100 млн. сўм миқдорда имтиёзли кредит маблағлари олиб, корхонамиз учун зарур хомашё маҳсулотларини сотиб олдик, – дейди оилавий корхона раҳбари Дилшод Каримов. – Натижада, кўшимча иш ўринлари яратиб, тадбиркорлик фаолиятимизни ривожлантирдик. Келгусида мазкур ишлар кўламини кенгайтириб, кўшни вилоят бозорларига ҳам маҳсулотларимизни чиқармоқчимиз.



Шунингдек, Қашқадарё вилояти, Қамаш туманида тикувчилик билан шуғулланган фуқаро Фазилат Жумаевага "Микрокредитбанк" томонидан 25 млн. сўм миқдорда имтиёзли кредит маблағлари ажратилди. Натижада, Ф.Жумаева фаолиятида зарур бўладиган тикув ускуналарини харид қилиб, иш кўламини янада кенгайтирди.

Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда ҳудудларда аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш масалаларига бағишланган Президент қарори бугунги кунда "Микрокредитбанк" фаолияти учун асос бўлиб хизмат қилмоқда. Жорий йил давомида бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтириб, оилавий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ҳамда қўллаб янги иш ўринлари яратилишига ҳисса қўшиш мақсад қилинган. Зеро, "Микрокредитбанк"нинг асосий мақсади ҳам ҳар бир оилани тадбиркор қилишга қаратилган.

Сарвар ОЧИЛОВ

МИЖОЗЛАР ИШОНЧНИНИ ОҚЛАЁТГАН ФИЛИАЛ



(Бошланиши 1-саҳифада)

Бу борада "Ипотека-банк" акциядорлик тижорат ипотека банки томонидан тадбиркорлик субъектларини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, аҳолига имтиёзли кредитлар ажратиш, айниқса банк миқозларига тезкор ва сифатли хизмат кўрсатиш бўйича амалга оширилаётган ишлар аҳолининг банкка бўлган ишончини оширишга хизмат қилаётир.

Банк Чирчиқ филиалида ишчи-ходимлар ва миқозлар учун барча зарур шароит яратилган. Чирчиқ шаҳрида банк филиали ва унинг 2 та мини банки, 12 та махсус кассаси ва банкоматлари аҳоли учун хизмат қилмоқда.

Филиал томонидан 4 200 дан зиёд, шу жумладан, 2 650 дан зиёд юридик ва 1 600 нафарга яқин жисмоний шахсларга тезкор ва сифатли банк хизматлари кўрсатиб келинмоқда.

– Корхонамиз логистик хизмат кўрсатишга ихтисослашган бўлиб, Европа давлатлари, хусусан Германия, Италия, Польша ва Чехияга мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш билан шуғулланамиз, – дейди "Чирчиқтехнодом" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Нурмухаммад Раҳимов. – Бир вақтнинг ўзиде мазкур давлатлардан республикамизга қайта ишлашга ихти-

сослашган замонавий технологияларни ҳам олиб келамиз. Бу борада Ипотека банк бизнинг ишончли ҳамкоримизга айланган. Банкнинг ишончли тезкор ва сифатли хизмати туфайли 11 йилдан буён шу банк билан ишлаймиз. Дунё банклари билан ҳамкорлик қилиб келаётган тадбиркор сифатида ушбу банкнинг хизматлари бизни Европа банклари билан бир қаторда тўлиқ қаноатлантиради.

Маълумотларга кўра, шаҳарда 150 минг нафар аҳоли истиқомат қилади. Аҳолининг асосий қисми электр энергияси, газ, сув ва бошқа коммунал тўловларни мазкур банк орқали амалга оширади.

– Банк билан боғлиқ барча ишларимни шу банк орқали бажараман, – дейди Нафосат кўчаси 6-уйда истиқомат қилувчи фуқаро Убайдулла Тўйев. – Банкнинг хизматлари, биринчи навбатда, ишончлилиги, қолаверса тезқорлиги ва хизмат сифати менга маъқул. Умуман олганда, сўнги йилларда банк тизимизда биз учун илгари орзу бўлган умидларимиз ушалмоқда.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда "Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун" тамойили ҳаётимизда ўзининг амалий ифодасини топмоқда.

Ўз мухбиримиз

БИЗНЕС ЛОЙИҲАЛАР УЧУН 304 МЛРД. СЎМ КРЕДИТ АЖРАТИЛДИ

Мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш, тадбиркор ва ишбилмонларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратилмоқда. Акциядорлик тижорат Ҳалқ банки томонидан ҳам барча йўналишдаги тадбиркорлик субъектларига кредитлар ажратилиб, уларнинг иш фаолиятини яна яхшилаб олишларига кўмаклашилмоқда.

Жумладан, 2020 йилда ҳам бизнес вакилларига қатор йўналишларда кредитлар берилди. Жорий йилнинг 15 февралига қадар 780 та лойиҳага жами 304 млрд. 260 миллион сўмдан зиёд маблағлар ажратилди.

– Хусусан, қишлоқ хўжалиги йўналишида 10 та лойиҳага 8 млрд. 521 миллион сўм, қурилиш соҳасига 76 та лойиҳага 56 млрд. 253 миллион сўм, савдо ва умумий хизмат кўрсатишга 454 та лойиҳага 199 млрд. 731 миллион сўм, саноат соҳасига 22 лойиҳага 16 млрд. 654 миллион сўм, транспорт

ва коммуникация йўналишида 189 та лойиҳага 21 млрд. 755 миллион сўм ва уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳасидаги 29 та лойиҳага 1 млрд. 344 миллион сўм миқдордаги маблағлар ажратилди. Ушбу маблағлар ҳисобидан 215 та янги иш ўринлари яратилди.

Жорий йил якунига қадар яна 2840 та лойиҳага 1 триллион 745,8 млрд. сўм миқдорда кредитлар ажратилиши ва улар ҳисобидан 4652 та иш ўринлари яратилиши кўзда тутилган.

Банк Ахборот хизмати



БАНК ЁРДАМИДА ИНФОКИОСКЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИЛМОҚДА

Бугун инсоният ҳаётининг ривожланиш босқичи энг тараққий нуқтасига етди. Барча жабҳалардаги янгиланишлар, ўзгаришлар замон билан ҳамнафас яшашга, одамлар эҳтиёжини тўлақонли қондириб, уларни рози қилишга қаратилмоқда. Айниқса, кундалик турмуш тарзимизнинг ажралмас қисмига айланиб улгурган банк – молия йўналишида қулай, сифатли ва тезкор хизмат кўрсатиш энг муҳим ва кечиктириб бўлмас масъулиятли вазифа сифатида шахсан давлатимиз раҳбари томонидан қайд этилмоқда.

Асосан, иқтисодийни модернизациялаш шароитида банк тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва барқарорлигини ошириш, аҳоли ҳамда хоржий инвесторларнинг ишончини янада мустақамлаш, ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўллаган ҳолда кўрсатилаётган хизматларнинг тури ва қўламини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилаяпти. Бунинг яққол мисолини нақд пулсиз ҳисоб – китоблар тизимининг автоматлаштирилганлигида кўриш мумкин. Бундан бир неча йил аввал кўпчилик пластик карточкадаги пуллари нақдлаштириш ҳамда турли тўловларни амалга ошириш учун



коммунал кассаларда соатлаб навбат кутишар эди. Соҳада олиб борилган ислоҳотлар самарасида бугун ушбу оворагарчиликларга чек қўйилиб, барча шаҳар ва туманларда 7/24 режимида ишловчи ўз-ўзига хизмат кўрсатиш инфокиоскалари ташкил этилди.

Энди савол туғилади. Аҳолига ҳар томонлама қулайлик яратаётган

ушбу қурилмалар мамлакатимизга қаердан келтирилади? Уларни харид қилиш ва ўрнатиш банкларга неча пулга тушмоқда? Таҳлилларга кўра, ҳозирга қадар шундай инфокиоскалар Хитой давлатидан мамлакатимизга импорт қилинган ва турган гапки бу иқтисодийнинг ривожланишига ҳам оз бўлса-да ўз таъсирини ўтказган.

Туронбанкнинг қашқадарёлик миқноси Фарҳод Раҳимов айни шу йўналишда фаолият олиб боришни мақсад қилиб банкнинг 310 миллион сўм миқдоридagi маблағи эвазига замонавий инфокиоскалар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштирди.

Ўтган йили ўз фаолиятини бошлаган "Promax" корхонасининг маҳсулотлари, асосан, ички бозорга, тадбиркорларга етказиб берилмоқда. Жорий йилдан бошлаб қўшни Тожикистон Республикасига сотила бошланади. Қолаверса, тожикистонлик ҳамкорлар билан маҳсулотлар турини ошириш юзасидан бир қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда.

– Йилига 800 дона банкومات ишлаб чиқарамиз, – дейди корхона раҳбари Фарҳод Раҳимов. – Албатта, биз бу рақам билан чекланмаймиз. Келгусида бир қатор замонавий банк хизматларини кўрсата оладиган банкوماتлар устида ҳам ишламоқдамиз. Яқин келажақда миқозларимизга ана шу маҳсулотларни тақдим этамиз. Умуман олганда, мақсадимиз – экспортбоп маҳсулотлар сонини янада оширишди.

Банк Ахборот хизмати

ЖАМҒАРМА КЎМАГИДА ЎН МИНГЛАБ ИШ ЎРНИ ЯРАТИЛДИ

Айни дамда юртимизнинг қай гўшасига борманг, кишиларнинг доим изланишда, ҳаракатда эканлигини кўрасиз. Кимдир тадбиркорлик қилиш пайдан бўлса, яна кимдир қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш билан банд. Хуллас, ҳар кимнинг ўзи йўли бор.

Аҳолининг бу ташаббусларини қўллаб-қувватлаб, уларнинг муқим иш билан бандлигини таъминлашда ҳар бир туманда ташкил этилган "Томорқа хизмати" МЧЖлар муҳим роль ўйнамоқда. Улар томонидан томорқа ерлардан самарали фойдаланиш, қайси турдаги экинларни экиш, парваришlash, маҳсулотни йиғиб олиш ва уни сотиш каби аҳолига турли хизматларни кўрсатибгина қолмай, уларга ўз бизнесларини бошлашларига ҳам кўмак бериб келмоқда.

Бу ютуқлар замирида фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағларининг улуши катта. Чунки жамғарма ҳисобидан томорқа ер эгалари, фермер ва деҳқон хўжаликлари ҳамда "Томорқа хизмати" МЧЖларни молиявий қўллаб-қувватлаш натижасида ҳудудларда айниқса, олис қишлоқ жойларида кўплаб самарали лойиҳалар амалга оширилди.

Хусусан, жамғарма ташаббускорлар фаолиятини

молиялаштириш учун "Агробанк" орқали 141,4 млрд. сўм, "Халқ банки" орқали 97,6 млрд. сўм, "Микрокредитбанк" орқали 43,2 млрд. сўм кредит маблағлари ажратди.



Маъқур маблағларнинг 200,5 млрд. сўми томорқа ер эгаларига, 32,5 млрд. сўми фермер хўжаликларига, 49,3 млрд. сўми "Томорқа хизмати" ва бошқа масъулият чекланган жамиятларига имтиёзли кредит сифатида ажратиб берилди.

Томорқа ер эгаларига ажратилган 200,5 млрд. сўм

имтиёзли кредитлар натижасида, 7499 та хонадонда жами 172 га майдонда иссиқхона, 1860 та хонадонда 909 мингдан ортиқ зотдор парранда, 299 та хонадонда 23 мингдан ортиқ асалари қутилари, 177 та хонадонда 10 мингдан ортиқ қуён, 1127 та хонадонда 18 мингдан ортиқ наслили қўй сотиб олинди ҳамда 73 га дан ортиқ бог ва токзор ташкил этилди. Бунинг натижасида 21 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилди.

Шунингдек, ўтган 2018-2019 йил давомида Жамғарма томонидан фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари ҳамда

Булар минитрактор, мотокультиватор, "Лабо", "Исузи" юк автомобиллари, кимёвий ишлов бериш воситалари, музлаткич омборхонаси, кўчат етказиб беришга мўлжалланган иссиқхоналар кабилардир. Шунингдек, жамғарма маблағлари ҳудудларда чорвачилик, паррандачилик ва асаларичилик каби сердаромад тармоқларнинг ривожига ҳам туртки бераётар. Хусусан, ўтган йилда жамғарма сармоялари ҳисобига 698 та чорва моллари, 92 мингта парранда, 2900 та асалари қутилари аҳолига етказилган. Шу билан бирга томорқалардан унумли фойдаланиш истагида бўлган ташаббускорларга ўғит ва кўчатлар етказиб бериш ҳамда шу каби бошқа йўналишлар доирасида кўмак бериб келинмоқда.

Шунингдек, Жамғарма томонидан 2020 йилда Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятларининг 22 та туманида 31 та қишлоқ хўжалиги кооперативи ташкил этилиши мақсад қилинган бўлиб, Андижон вилоятининг 8 та туманида жами 10 та, Наманган вилоятининг 7 та туманида 11 та, Фарғона вилоятининг 7 та туманида 10 та қишлоқ хўжалиги кооперативлари ташкил этиш чоралари кўрилмоқда.

Жумладан, Балиқчи туманида "Азия Балиқчи туман томорқа хизмати" МЧЖга 474,7 млн. сўм улуш, Янгиқўрғон туманида "Исковот томорқа хизмати" МЧЖ ва Косонсой туманида "Қушон агро томорқа хизмати" МЧЖларга 1,2 млрд. сўмдан жами

2,4 млрд. сўм кредит ҳамда Учқўприк туманида "Солиев Нишонбой" фермер хўжалигига 400 млн. сўм кредит ажратиб берилди.

Ташкил этилаётган кооперативларга кам таъминланган ва ишсиз фуқароларни танлаб олиш ва бириктириш бўйича аҳоли бандлигига кўмаклашиш мақсадида рўйхат шакллантирган.

Қайд этиш керакки, шу кунларда Фарғона вилоятида кооперациялар учун 460 гектар ер ажратилган. Уларда Хитой технологияси асосида кам харажат қилиб, кўпроқ фойда кўриладиган иссиқхоналар барпо этилади. Шу тариқа Жанубий Корея, Африка, Япония мамлакатларининг кооперация тизими ўрганилди. Жаҳон тажрибасига кўра йирик мева-сабзавот кластерлари ташкил этилган ҳудудларда кооперациялар ишга тушади.

Шунингдек, Меҳнат Бандлик марказлари томонидан ишсиз фуқароларни аниқлашиб иш билан банд қилиш мақсадида уларга ўқув-семинарлари ташкил қилиниб, Давлат хизматлари агентлиги томонидан рўйхатдан ўтказилди ҳамда Жамғарма томонидан уларга имтиёзли кредитлар олиб бериш учун гаров объектларини баҳолаш ишлари олиб борилмоқда.

Хуршид ИСРОИЛОВ
Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси бош мутахассиси

ПРУДЕНЦИАЛ НАЗОРАТ ВА МАКРОПРУДЕНЦИАЛ СИЁСАТ УЛАРНИНГ ФАРҚЛИ ЖИХАТЛАРИ НИМАДА?



Нигора БЕГМАТОВА,
Марказий банк Кредит ташкилотлари пруденциал
назорати департаменти бошқарма бошлиғи



Нозима МАМАЖОНОВА,
Марказий банк Пул-кредит сиёсати
департаменти бош иқтисодчиси

Кредит ташкилотларининг пруденциал назорати – банк назоратининг таркибий қисми бўлиб, у банк тизими барқарорлигини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган иқтисодий меъёрларга банклар қанчалик риоя этаётганини назорат қилади.

“Пруденциал” тушунчаси эҳтиёткор, узоқни кўрадиган деган маъноларни англатиб, “назорат” сўзи билан бирга қўлланилганда кредит ташкилотлари фаолиятида юзага келиши мумкин бўлган хатарлар ва муаммоларни бартараф қилишга имкон берувчи масофадан назорат маъносини англатади.

Амалиётда айрим тижорат банклари кўпроқ фойда олиш мақсадида хатарларга асосланган фаолият юритишга мойил бўлади. Бунда улар ўз манфаатлари доирасида ҳаражатланиб, омонатчилар, кредиторлар ҳамда банк акциядорларининг қонуний манфаатларини инобатга олмасликлари мумкин. Юқорида келтирилган томонларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда молиявий барқарорликни таъминлаш мақсадида Марказий банк назорат қилувчи орган сифатида майдонга чиқади.

Марказий банкнинг назорат функциялари “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонунда белгиланган бўлиб, Банк назорати қўмитаси томонидан амалга оширилади.


Бунда Марказий банк тижорат банклари молиявий ҳолатининг ёмонлашишини олдини олишга қаратилган тегишли шарт-шароитлар яратилиши ва улар фаолиятини белгиланган талабларга мувофиқ юритилишини кузатиб боради.

Бунинг учун тижорат банкларида юзага келадиган ёки келиши мумкин бўлган хатарлар, шунингдек, регулятив мослик механизмларидан фойдаланган ҳолда, ушбу хатарларни оқилон бошқариш ва бартараф этиш бўйича назорат олиб борилади.

Иқтисодий меъёрларга резерв талаблари, капитал, ликвидлик, валюта позиция-

ларига бўлган талаблар ҳамда хатарлардан келиб чиқиб, маълум операцияларга чекловлар ва қимматли қоғозлар билан операциялар бўйича нормативлар қиради.

Ушбу меъёрларни бажаришда тижорат банклари банк операциялари бўйича тегишли резервларни шакллантиради ва шу орқали хатарларни омонатчилар, кредиторлар ва бошқа банк хизматлари истеъмолчиларига ўтказилишининг олди олинади.



Мисол учун, банклар томонидан капитални етарли даражада шакллантирилиши кутилмаган йўқотишларни қоплаш манбаси бўлиб хизмат қилади ҳамда уларнинг институционал ўсишини таъминлайди. Ликвидликка қўйилган талаблар эса мижозларга узлуксиз хизмат кўрсатиш ва депозиторлар талабларини ўз вақтида бажарилишини таъминлайди.

Умуман олганда, пруденциал назорат банк хизматлари истеъмолчиларининг қонуний манфаатларини таъминлаш доирасида тижорат банкларини соғлом банк фаолиятини олиб боришга ва айрим банкларда носоғлом муҳитни бартараф этишга қаратилган.

Макропруденциал сиёсат эса пруденциал назоратдан фарқли равишда умумий молиявий тизим барқарорлигини таъминлашга қаратилиб,

чора-тадбирлар макро даражада қўлланилади ва юзага келиши мумкин бўлган тизимли хатарларни бартараф этишга, шунингдек, стресс сценарийларда назарда тутилган ҳолатлар рўй берганда банкларни ўз фаолиятларини тиклашига етарли шароитлар яратишга хизмат қилади.

Маълумот учун: “тизимли хатарлар” деганда молиявий тизим иштирокчиларининг тўлов қобилиятларида занжирли узилтишлар юзага келганда, бутун молиявий тизимда содир бўладиган, эҳтимоли кам, аммо юзага келиши мумкин бўлган хатарлар тушунилади.

Макропруденциал чораларга иқтисодиётни кредитлаш суръатлари, унинг алоҳида секторларида қарз юки ошмаслигига чекловлар, хорижий кредитлар жалб қилишга чекловлар ҳамда ушбу кўрсаткичларнинг ЯИМга нисбати, шунингдек, тизимли аҳамиятга эга банклар капиталига ва риск коэффициентларига алоҳида талаблар қиради.

Одатда мазкур чоралар кредитлаш суръатларининг иқтисодий ўсиш суръатларидан тезлашиб кетганда, шунингдек, валютавий ва бошқа хатарларнинг катта қисми тизимли аҳамиятга эга банкларда жамланшининг олдини олиш мақсадларида қўлланилади.

Ушбу кўрсаткичлар узоқ муддатли трендлардан оғиб кетса, молиявий тизим барқарорлигини таъминлаш мақсадида Марказий банк тегишли макропруденциал чораларни қўллайд.

Суғурта бозорининг аҳамияти бозор иқтисодиёти ривожланиб боргани сари ортиб боради. Чунки, мулкчилик шаклининг кўпайиши, хусусий мулкдорларнинг ортиши, кўп қорхона-ташкилотлар давлат тасарруфидан чиқарилганидан сўнг, уларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш янги эгалари зиммасига ўтади. Бундай шароитда уларда ўз молиявий барқарорлигини сақлаб қолиши, мол-мулкларини турли хилдаги табиий офатлардан асраши ва тадбиркорлик фаолиятидаги юзага келадиган жуда кўп рисклардан ҳимояланиш учун суғурта хизматларига янада эҳтиёт ортади.

СУГУРТА БОЗОРИНИ ТАРТИБГА СОЛИШДАГИ МУАММОЛАР

Маълумки, суғурта бозори молия бозорининг ажралмас таркибий қисми сифатида иқтисодиётнинг барқарор ривожланишида, ҳамкорлик муносабатларини яратишда, аҳолининг ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқини ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда ишончли ҳамкор сифатида суғурта бозори профессионал иштирокчиларига ишончини қозонишда кўмақдош бўлиши лозимдир.

Ўзбекистон иқтисодиёти ривожланиш шартлари билан боғлиқ бир қатор хусусиятларга эга ва уни хорижий суғурта бозорларидан ажратиб туради.

Иқтисодий ривожланган мамлакатларда суғурта тизими халқаро суғурта бозорининг ажралмас қисми ҳисобланади. Бу миллий иқтисодиётнинг муҳим сектори, суғурта ташкилотлари тўпланган маблағлар йирик инвестициялар манбаи ҳисобланади.

Бугунги кунда Ўзбекистон суғурта бозори умумий суғурта соҳасида ва ҳаётни суғурталаш соҳасида кенг суғурта хизматларини тақдим этмоқда. Компаниялар, лицензияларига мувофиқ, ихтиёрий ва мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта хизматларини тақдим этадилар.

2019 йил якунида Ўзбекистонда суғурта хизматлари бозори юқори даражада ўсиш суръатига эга бўлди. Хусусан, Молия вазирлигининг маълумотларига кўра, охириги 2018-2019 йилларда мамлакатимизда 6 та янги суғурта компанияси ташкил этилди. Натижада Ўзбекистон бозорига суғурта компаниялари сони 33 тага етди. Таҳлил қилинаётган давр мобайнида бозорга кирган учта компаниянинг тўрттаси ҳаётни суғурталаш соҳасида (“Euroasia Life” МЧЖ, “Kafolat Hayot” МЧЖ, “Alskom Vita” МЧЖ, “Apex Life” МЧЖ) ихтисослашган бўлиб, иккита компания (“Apex Insurance” МЧЖ, “PSB Insurance” МЧЖ) умумий суғурта соҳасида фаолият юритмоқда. Шундай қилиб, 2019 йил охиригача умумий суғурта соҳасида 25 компания ва ҳаётни суғурталаш соҳасида 8 компания фаолият юритмоқда.

Таҳлил қилинаётган давр мобайнида мамлакат суғурта компаниялари томонидан тўпланган суғурта муқофотларининг умумий миқдори жадал ўсиб, 2019 йил 1-ярим йил ҳолатига 1,3 трлн.сўмни ташкил этди, шундан 323,4 млрд. сўм ҳаёт суғуртасини улушидир. Бундан кўринадики, Ўзбекистонда ҳаёт суғурта соҳасини янада ривожлантириш зарурати юзага келмоқда.

Суғурта ташкилотларининг асосий фаолият йўналишлари 14-16% инфляция мавжуд бўлган шароитда талабчан суғурта маҳсулотларини яратиш ва сотиш, мижоз билан ишончли муносабатларни ўрнатиш ҳамда бунинг пировардида йиғилган суғурта муқофотларини эркин фонд биржаси орқали инвестиция соҳасига йўналтиришдан иборат бўлиши лозим.

Юқоридаги мақсадларга эришининг асосий омиллари суғурта компанияси мижозларига суғурта маҳсулотларини етказиб бериш ва сотиш технологияларини тўғри ташкил этишдан иборат. Суғурта маҳсулотларини мижозларга сотиш ва улар ҳақида маълумотлар беришда суғурта воситачиларининг ўрни беқийёсдир.

Анваржон ҒАФФОРОВ
Ўзбекистон Республикаси
Банк-молия академияси тингловчиси
Давоми кейинги сонда

АТБ “Қишлоқ қурилиш банк” жамоаси банк Бошқаруви раиси ўринбосари

Ин Жу Ким
вафоти муносабати билан, марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия билдиради.

1 МАРТДАН НИМАЛАР ЎЗГАРАДИ?



1. Инкассация хизматлари учун ҳақ буюртмачи томонидан тўланади

Хўжалик юритувчи субъектларнинг нақд пуллари банкларга инкассация хизматлари орқали етказиб берилиши бўйича хизмат ҳақи шартнома асосида буюртмачи, яъни инкассация хизматлари кўрсатилишининг ташаббускори (хўжалик юритувчи субъект ёки банк) томонидан тўланади.

2. Қурилишнинг лойиҳа ҳужжатларига ўсимликларни салбий таъсирдан ҳимоя қилишга оид мажбурий талаб киритилади

Қурилиш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш, қурилиш объектларини ободонлаштириш, бузиш, қурилиш объектларини фойдаланишга қабул қилиш пайтида лойиҳалаш ҳужжатларига қуйидаги мажбурий талаблар киритилади:

ўсимлик дунёси объектларига, уларнинг ўсиш муҳитига салбий таъсирнинг олдини олиш, шунингдек, уларни бундай таъсирдан ҳимоя қилишни таъминлайдиган чоралар; қонун ҳужжатларига мувофиқ компенсация чоралари; кўкаламзорлаштириш ишларини лойиҳалаштириш қоидаларига ҳамда шу соҳадаги меъёрларга мувофиқ амалга ошириш.

3. Қурилиш соҳасидаги айрим ходимлар маоши ошади

Бюджет тизимидаги бюджет маблағлари ҳисобига молиялаштирилган объектлардан ташқари капитал таъмирлаш объектларида давлат қурилиш назоратини амалга ошириш бўйича талаблар бекор қилинади:

Шунингдек, Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш миқдорлари 1,4 баробарга оширилади.

4. Лимонзорларни барпо этишнинг янги тартиби жорий этилади

Унга кўра, Боғдорчилик ва иссиқхона хўжаликларини ривожлантириш агентлиги, ҳокимликлар, қайта ишлаш корхоналари ва экспорт қилувчи ташкилотлар иштирокида ташкил этиладиган кооперациялар (кластерлар) ва маҳсулот етиштирувчилар учун алоҳида вазифалар белгиланди.

Жумладан, Боғдорчилик ва иссиқхона хўжаликларини ривожлантириш агентлиги янги барпо этиладиган лимонзорлар учун стандартларни (кўчат нави ва сифати, экиш схемаси, иссиқхонага қўйиладиган талаблар, ресурс тежовчи технологиялар ҳамда бошқалар) белгилайди, лимончилик тармоғини ривожлантиришда илғор хорижий тажриба ва ресурс тежовчи инновацион технологиялар жорий этилишини ташкил қилади.

Шунингдек, кооперацияларга бирлашган лимон етиштирувчи фермер ва деҳқон хўжаликлари, қишлоқ хўжалиги корхоналари ва тадбиркорлик субъектларига:

– янги лимонзорларни барпо этиш ва кўчатларни харид қилиш билан боғлиқ бўлган харажатларнинг ҳар бир гектари учун 30 млн. сўмдан ошмайдиган миқдори Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан;

– лимон меваларининг экспорти билан боғлиқ транспорт харажатларининг 25 фоизигача бўлган миқдори Экспортни рағбатлантириш агентлиги томонидан субсидия сифатида қоплаб берилади.

5. Республика ҳудудларида тадбиркорликнинг ривожланганлик даражасига баҳо бериш тизими жорий этилади

Баҳолаш ярим йиллик ва йил якуни бўйича ўтказилади.

Баҳолаш натижасида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, шунингдек туман ва шаҳарлар рейтингини тузилади, рейтингда юқори кўрсаткичларга эга ҳудуддаги ташкилотлар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари бошқарув ходимлари моддий рағбатлантирилади.

Баҳолаш Иқтисодий ва саноат вазирлиги ҳамда Адлия вазирлиги томонидан амалга оширилади.

6. Айрим жиҳозларни Ўзбекистон ҳудудига олиб кирилиши тақиқланади

Аввал фойдаланилган, божхона расмийлаштируви вақтида ишлаб чиқарилгани 3 йилдан ошган индукцион печлар ва камераларнинг (ТИФ ТН коди 8514 20 1000) Ўзбекистон ҳудудига олиб кирилиши тақиқланади.

7. Ер ажратилган ҳақидаги ҳужжатлар ҳокимликларнинг расмий веб-сайтларида эълон қилиб борилади

Аҳоли масканларининг меъморий қиёфасини тубдан янгилаш ва ободонлаштириш, шунингдек, уларда комплекс қурилиш ва реконструкция қилиш ишларини амалга оширишга оид қарорлар дастлаб ўша ҳудуддаги аҳоли ўртасида муҳокама қилиниб, жамоатчилик экспертизасидан ўтказилади.

Шунингдек, жисмоний ва юридик шахсларга ер ажратилган ҳақидаги ҳужжатлар қабул қилинганидан (расмийлаштирилганидан) кейин бир кун муддатда тегишли

ҳокимликларнинг расмий веб-сайтларида эълон қилиб борилади.

8. Айрим ҳудудларда кадастр паспортининг янги намунаси жорий этилади

Анджон, Наманган, Фарғона вилоятлари, шунингдек, Тошкент шаҳрида – 2020 йил 1 мартдан бошлаб пластик шаклда тайёрланган кўчмас мулк объекти кадастр паспортининг янги намунаси жорий этилади.

Бунда, Анджон, Наманган, Фарғона вилоятлари, Тошкент шаҳрида жойлашган кўчмас мулк объектига бўлган мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқлар вужудга келган, бошқа шахсга ўтган, бекор бўлган ёки кўчмас мулк объектининг ҳуқуқий ҳолати ўзгарганлигини тасдиқлаш юзасидан мурожаат қилинганда, ариза берувчига ДХМлар орқали янги намунадаги кадастр паспорти берилади.

9. Ипотеканинг янги тартиби бўйича субсидияга аризалар ДХМ орқали берилади



Бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитлари орқали аҳолини уй-жой билан таъминлашнинг янги тартиби доирасидаги субсидиялар олди учун аризалар Давлат хизматлари марказлари ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали берилади.

10. Нодавлат тиббий ташкилотларда лицензия талаблари ва шартларига риоя қилиниши устидан 2,5 йилда кўпи билан бир марта давомийлиги 5 кундан ошмаган текширув ўтказилган бўлади.

Шунингдек, Давлат ёнгин назорати органлари томонидан ёнгин хавфлиликка кўра объектлар бўйича қуйидаги муддатларда ёнгин хавфсизлиги талабларига риоя қилиниши юзасидан текширув ўтказилади:

– 1-гуруҳга кирадиган объектларда – 1 йилда кўпи билан бир марта;

– 2-гуруҳга кирадиган объектларда – 2 йилда кўпи

билан бир марта;

– 3-гуруҳга кирадиган объектларда – 3 йилда кўпи билан бир марта.

11. Назорат остидаги ижтимоий-ҳуқуқий ва психологик ёрдам кўрсатиш бўйича вазирлик ва идоралар ўртасида ўзаро ҳамкорлик йўлга қўйилади.

12. «Туризм соҳасида фаолият юритаётган хунармандлар реестри» онлайн тарзда реал вақт режимида янгилашувчи очик ва умум фойдаланиладиган веб-сайт қурилишида ишга туширилади.

13. Давлат умумий ўрта таълим муассасаларини янгидан қуриш, реконструкция қилиш, мукамил таъмирлаш ва жиҳозлаш, молиялаштириш манбаларидан қўнми назар, «Замонавий мактаб»ларни қуриш ва реконструкция қилишнинг намунавий лойиҳалари ва жиҳозлаш меъёрлари асосида амалга оширилади.

14. Жамоат мақсадларига мўлжалланган ва кеча-кундуз ишлайдиган, санитария ва шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари талабларига жавоб берадиган санитария-гигиена шохобчалари билан жиҳозланмаган АГТКС, АГҚС ва АЁҚСларнинг фаолият кўрсатишига йўл қўйилмайди.

15. «Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни кучга киради.

16. Республика бўйича – тегишли равишда тракторчи-машинист тракторчи-машинист гувоҳномасининг, техникаларни рўйхатдан ўтказишда (қайта рўйхатдан ўтказишда) – техник паспорт ва техник гувоҳноманинг янги намуналари берилади.

“Huciqiy axborot” телеграм канали



“Alfa mikrocredit tashkiloti” масъулияти чекланган жамияти

Регистрация рақами: Лицензия ЎзР МБ № II-A/7 2013 йил 11 май
Юридик манзил: 100003 Тошкент ш., Чилонзор тумани, Олмазор мавзеси, 15.2-уй.

МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР
ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТИ

БАЛАНС ҲИСОБОТИ

КОД	ТАРИФ	КЎРСАТКИЧЛАР	МИНГ СЎМ
		АКТИВЛАР	
10	10100	Кассадаги нақд пуллар ва бошқа тўлов ҳужжатлари	35 550
20	10500	Банкларга қўйилган депозитлар ва бошқа маблағлар	83 278
30	16300	Олиниши лозим бўлган ҳисобланган фоизлар	274 664
40	11100	Сотиб олинган дебиторлик қарзлари - факторинг	0
50	12401+12405+12409+12501+12505+12509+12701+12705+12709+14801+14809+14901+14909+15101+15109+15701+15703+15707	Кредитлар (микрокредит, микроқарз, истеъмо), брутто	8 626 360
51	12499+12599+12799+14899+14999+15199+15799 (қисман*)	Минус: кредитлар бўйича қўрилиши мумкин бўлган зарарлар захираси	1 192 999
52		Кредитлар, соф (50 код - 51 код)	7 433 361
60	15600+15709-15799 (қисман**)	Микролизинг, соф	75 607
70	16500	Асосий воситалар, соф	488 493
80	16600	Номоддий активлар, соф	0
90	16701	Бошқа хусусий мулклар	0
91	16707+16799	а. Минус: Қўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси	0
92		б. Бошқа хусусий мулклар, соф (90 код-91 код)	0
100	19900+16100+16400	Бошқа активлар	754 792
110		Жами активлар (10+20+30+40+52+60+70+80+92+100)	9 145 746
		МАЖБУРИЯТЛАР ва КАПИТАЛ	
		МАЖБУРИЯТЛАР	
210	21400+21600+22000	Тўланиши лозим бўлган кредитлар ва қарзлар	4 285 000
220	22100	Лизинг бўйича мажбуриятлар	0
230	22400	Тўланиши лозим бўлган фоизлар	100 619
240	22500	Тўланиши лозим бўлган ҳисобланган солиқлар	3 077
250	22800	Муддати узайтирилган даромадлар	4 863
260	29800+22200	Бошқа мажбуриятлар	3 464
270		Жами мажбуриятлар (210+220+230+240+250+260)	4 397 025
		КАПИТАЛ	
310	30301	Устав капитали	4 531 583
320	30903	Умумий захира фонди	93 103
330	30905	Текинга олинган мулклар	0
340	31701	Ўзлаштирилган грант маблағлари	0
350	31203	Тақсимланмаган фойда	0
360	30908	Бошланғич қийматга нисбатан баҳолаш қийматининг ошган суммаси	6 937
370	(40000-50000) +/-31206	Жорий йил фойдаси (зарар)	117 098
380		Жами капитал (310+320+330+340+350+360+370)	4 748 722
390		Жами мажбуриятлар ва капитал (270+380)	9 145 746

КОД	ТАРИФ	КЎРСАТКИЧЛАР	МИНГ СЎМ
		1. ФОИЗЛИ ДАРОМАДЛАР	
110	40400	Банклардаги депозитлар бўйича фоизли даромадлар	0
120	42000+44200	Жисмоний шахсларга берилган микроқарзлар бўйича фоизли даромадлар	2 149 374
130	42100+44300	Яққа тартибдаги тадбиркорларга берилган микрокредитлар бўйича фоизли даромадлар	17 466
140	42300+44500	Юридик шахсларга берилган микрокредитлар бўйича фоизли даромадлар	115 871
150	45100	Микролизинг бўйича фоизли даромадлар	24 038
160	44700+44900	Бошқа фоизли даромадлар	0
170		Жами фоизли даромадлар (110+120+130+140+150+160)	2 306 750
		2. ФОИЗЛИ ХАРАЖАТЛАР	
210	50600	Жалб қилинган қарз маблағлари бўйича фоизли харажатлар	253 175
220	53101+54101	Банклардан олинган кредитлар бўйича тўланиши лозим бўлган фоизли харажатлар	15 726
230	53105+53109+53113+53117+53121+53195+54105+54109+54113+54117+54121+54195	Бошқа кредиторларга тўланиши лозим бўлган фоизли харажатлар	82 236
240	54400	Лизинг (микролизинг) бўйича фоизли харажатлар	0
250	54900	Бошқа фоизли харажатлар	0
260		Жами фоизли харажатлар (210+220+230+240+250)	351 137
		3. КРЕДИТЛАР БЎЙИЧА ҚЎРИЛИШИ МУМКИН БЎЛГАН ЗАРАРЛАРНИ БАҲОЛАШГАЧА БЎЛГАН СОФ ФОИЗЛИ ДАРОМАДЛАР (170-260)	1 955 613
320	56802+56838+56842	Минус: Кредитлар бўйича қўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш	1 120 008
330		Кредитлар бўйича қўрилиши мумкин бўлган зарарлар баҳолангандан сўнг соф фоизли даромадлар (310-320)	835 605
		4. ФОИЗСИЗ ДАРОМАДЛАР	
410	45201	Хизматлар ва бошқа воситачиликдан олинган даромадлар	53
420	45217	Сотиб олинган дебиторлик қарзларидан олинган даромадлар-факторинг	0
430	45400	Чет эл валютаси курси ўзгариши натижасида олинган фойда	0
440	45900	Бошқа фоизсиз даромадлар	330 989
450		Жами фоизсиз даромадлар (410+420+430+440)	331 042
		5. ФОИЗСИЗ ХАРАЖАТЛАР	
510	55106	Кўрсатилган хизматлар ва воситачилик харажатлари	37 053
520	55300+55900	Бошқа фоизсиз харажатлар	17 238
530		Жами фоизсиз харажатлар (510+520)	54 291
		6. ОПЕРАЦИОН ХАРАЖАТЛАРГАЧА СОФ ФОЙДА (330+450-530)	1 112 355
		7. ОПЕРАЦИОН ХАРАЖАТЛАР	
710	56100	Ходимлар иш ҳақи ва улар учун қилинган бошқа харажатлар	326 026
720	56200	Ижара ва таъминот харажатлари	343 557
730	56300	Хизмат сафари ва транспорт харажатлари	25 502
740	56400	Маъмурий харажатлар	16 467
750	56500	Репрезентация ва хайрия	0
760	56600	Ўскириш харажатлари	61 865
770	56700	Сугурта, солиқ ва бошқа харажатлар	192 939
780		Жами операцион харажатлар (710+720+730+740+750+760+770)	966 356
800	56800-56802-56838-56842	8. КРЕДИТЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ БЎЛМАГАН ҚЎРИЛИШИ МУМКИН БЎЛГАН ЗАРАРЛАРНИ БАҲОЛАШ	0
900		9. ФОЙДА СОЛИГИ ВА БОШҚА ТУЗАТИШЛАРГАЧА БЎЛГАН СОФ ФОЙДА (600-780-800)	145 999
		10. ФОЙДА СОЛИГИ	
1000	56902	Фойда солигини баҳолаш	28 901
1100		11. ТУЗАТИШЛАРГАЧА БЎЛГАН ФОЙДА (900-1000)	117 098
1110	Дт 31206 ёки Кт 31206	Фойдага бЎлган тузатишлар, соф *	0
1200		12. СОФ ФОЙДА (ЗАРАР) (1100+/-1110)	117 098

КАПИТАЛДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

КОД	ТАЪРИФ	КЎРСАТКИЧЛАР	МИНГ СЎМ
100	Ўтган йил охирига тузатишларга бЎлган капитал (30000)	Ўтган йилдаги капитал	2 979 368
200		Ўтган йил ҳисоботида акс эттирилмаган капиталдаги тузатишлар, соф	0
300		Тузатишлардан сўнг ўтган йилдаги капитал (100 + 200)	2 979 368
400	Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот (1200 код)	Йил бошидан соф фойда (зарар)	117 098
500	30301-30301 (йил бошидаги)	Устав капиталидаги жорий йилдаги ўзгаришлар	2 104 916
600	30903-30903 (йил бошидаги)	Захира фондидаги ўзгаришлар	23 824
700	30905-30905 (йил бошидаги)	Текинга олинган мулкларнинг жорий йилдаги ўзгариши	0
800	30908-30908 (йил бошидаги)	Бошланғич қийматга нисбатан баҳолаш қийматининг ошган суммаси	0
900	31701-31701 (йил бошидаги)	Жорий йилда ўзлаштирилган хайрия ва грантлар	0
1000	Дт 31203, Кт ****	МИНУС: ўтган йил фойдасининг тақсимланган қисми	476 484
1100	Дт 31206, Кт 29807 ёки 30301	МИНУС: жорий йил фойдасидан ҳисобланган дивидендлар	0
1200		Жорий йил капиталга таъсир этган бошқа ўзгаришлар (соф) *	0
1300		Жами капитал (300+400+500+600+700+800+900+1200-1000-1100)	4 748 722

Молиявий ҳисоботнинг тўғрилиги (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2019 йил 05 апрелдаги АФ № 00771-рақамли лицензиясига эга) «PROM AUDIT» МЧЖ томонидан тасдиқланган ва унинг барча муҳим жиҳатлари Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ тайёрланган.

Юқорида келтирилган маълумотлар тўғрисидаги ахборот микрокредит ташкилоти ҳисоботининг 2019 йил 31 декабрь ҳолати бўлган тўғрилиги ҳақидаги аудиторлик ҳулосасида бор.

Хизматлар лицензияланган.




“Technologies of Real Time” қўшма корхонаси жамоаси



*Азиз опа-сингилларимизни
байрамлари билан чин
дилдан муборакбод этади.
Уларга яқинлари тухфа
қилган гўллар ҳамиша
хонадонларида ифор
таратиб туришини
тилаб қолади.*



ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ “СУВ ОҚАВА” ДУК ЖАМОАСИ:



*Азиз мўътабар ва мушфиқа АЁЛЛАР!
Сизларни кириб келаётган 8 март – Халқаро
хотин-қизлар байрами билан чин юракдан
муборакбод этамиз. Сизларга узок умр, сиҳат
-саломатлик, бахту омад тилаймиз. Оилангизга
тинчлик, хотиржамлик бўлишига, ишларингизда
улкан ютуқларга эришингизда тилакдошмиз!*

Қадрли онажонлар, аёллар
ва опа-сингиллар!

Сизларни фасли навбаҳорга
қиёсланган Хотин-қизлар байрами
билан чин дилдан муборакбод этамиз.

Доимо юзингиздан
кулгу-табассум аримасин.
БАЙРАМИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН!

**ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ХАЛҚ
ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ**



“Spartak invest plus bulding” корхонаси жамоаси



**Мамлакатимиз
хотин-қизларини, азиқ
онажонларимиз ва
бувижонларимизни
яқинлашиб келаётган
8 март – аёллар байрами**


Генеральный план М 1:500

билан самимий табриклайди.



Гулнора Умарова
представитель

- 1. Блок-1А, 1Б, 1В, 1Г
- 2. Многоэтажный жилой комплекс
- 3. Многофункциональный комплекс
- 4. Детские игровые площадки
- 5. Администрация
- 6. Администрация
- 7. Мусорная станция
- 8. Детский сад
- 9. Спортивно-оздоровительный центр



**Хонадонларидан
тинчлик, осойишталик,
ҳаётларидан бахт-саодат,
дастурхонларидан
қут-барака аримаслигини
тилаб қолади!**

ЛИЦЕНЗИЯ
Лицензия № 00923 от 28.03.2011 г.
данн. ГосСтрой РУ.

- 1. Планирование
- 2. Планирование
- 3. Планирование

Хизматлар лицензияланган.

БАНК АХБОРОТНОМАСИ

АХБОРОТ - ТАҲЛИЛИЙ ГАЗЕТА
АХБОРОТ ҲАМКОРЛАРИМИЗ
Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки
Ўзбекистон Республикаси
Банк-молия академияси

БОШ МУҲАРРИР
Бобур МУҲАММАДИЕВ
НАШР УЧУН МАСЪУЛ
Шукур ЖАББОР
ОБУНА ВА РЕКЛАМА
БЎЛИМИ РАҲБАРИ
Ўктам АБДУЛЛАЕВ
Тел: +998 90 0264090
71 234 43 18

Факс: 71 234 43 18
Нашр индекси-102.

МУАССИС:
“Moliya yangiliklari agentligi” МЧЖ

Ахборот кўмаги
ЎЗА, “Norma Hamkor” МЧЖ
www.finance.uz
Тахририят манзили:
100060. Тошкент ш., Юнусобод т.
Осиё кўчаси 1а
e-mail: bankaxborotnomasi@mail.ru,
Чоп этишга тайёрловчи:
“Moliya yangiliklari agentligi” МЧЖ
Газета тахририятнинг техник
ускуналарида саҳифаланди.

Тахририятнинг фақат ёзма розилиги билан
“Банк ахборотномаси” да эълон қилинган
материалларни кўчириб босишга ижозат берилади.
Қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.
Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги
томонидан 2012 йил 10 январда 0065-тартиб рақами
билан рўйхатга олинган. Газета ҳафтада бир марта –
пайшанба кўни чиқади.
Буюртма № г 0271 А-1652
Нархи шартнома асосида.
Газета АЗ ҳажмда, 4 шартли босма табқода чоп
этилди. Босишга рухсат этилди: 25.02.2020 й.,
1 2 3 4 5 6